

## АРПА НАВЛАРИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ЙИЛ ОИЛАЛАРИНИНГ ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

*Жабаров Фаррух Одирович - қ/х.ф.ф.д.*

*Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти  
“Ўсимликлар миллий генбанки, уруғчилик ва уруғшунослик”  
лабораторияси мудури*

**Аннотация:** ушбу мақолада арпа навларининг биринчи ва иккинчи цил оилаларининг униб чиқиш, туплаш, найчалаш, бошоқлаш ҳамда пишиш фазаларига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳамда боғлиқлиги келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** арпа, униб чиқиш, туплаш, найчалаш, бошоқлаш, иссиқлик, қурғоқчилик

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда биринчи навбатда экиладиган уруғлик сифатига эътибор берилади. Фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаларидан маълумки, замонавий, тўғри ташкил қилинган уруғчилик экинлар ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширади. Шу билан бирга экинларнинг ҳосилдорлиги қўлланиладиган технология савиясига, ҳамда навларни тўғри танлашга боғлиқдир. Сифатли уруғ экиш ҳисобига етиштириладиган қўшимча ҳосил ҳеч қандай харажатларсиз олинади ва катта иқтисодий фойда беради. Ишлаб чиқаришда узоқ муддат фойдаланиш туфайли навларнинг наводорлик кўрсаткичи пасайиб боради. Шу сабабли илмий муассасаларда селекционерлар бошчилигида уруғлар янгиланиб, кўпайтирилади ва энг яхши сара уруғлар билан алмаштирилади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича уруғчилик ишларини тўғри олиб бориш учун парвариш қилинаётган навларнинг биологик ва ўзгарувчанлик хусусиятлари ҳамда ишлаб чиқаришда улардан фойдаланиш пайтида уларнинг ўзгарувчанлигига таъсир кўрсатадиган айрим факторларга эътибор қаратиш лозим [1].

Олиб борилган фенологик кузатишлар натижасига кўра, биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган навларда бошоқлаш фазасининг бошланиши арпанинг Чимқурғон ва Қамашини навларида 19-21 март кунларида кузатилган бўлса, тўлиқ бошоқ чиқариш фазасига ўтиши 23-25 март кунларида қайд қилинди. Арпанинг Осиё навида эса бошоқлаш фазасининг бошланиши 25-март кунларида ва тўлиқ бошоқлаш фазаси 29-март кунларида қайд қилинди.

### 4.9-жадвал

**Арпа навларининг биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида  
экилган ўсимликларининг фенологик кузатуви натижалари.**

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Униб чиқиши	Туплаш	Найчалаш	Бошоқлаш
---	-------------	----------------------	-------------	--------	----------	----------

1	Воха	500	04.окт	08.дек	19-22.фев	24-27.март
2	Султон	500	04.окт	08.дек	18-22.фев	22-25.март
3	Камаша	500	04.окт	08.дек	19-22.фев	21-25.март
4	Чимқурғон	500	04.окт	08.дек	17-21.фев	19-23.март
5	Осиё	500	04.окт	08.дек	18-21.фев	25-29.март

Навлар уруғликлари экилиши натижасида йил утиши билан механик равишда бошқа нав уруғликлари ҳамда қийин ажраладиган бошқа экинлар уруғлари билан аралаштириш кузатилади. Биологик аралаштириш эса навнинг ўзи ташқи муҳит таъсирида айрим белги ва хусусиятларини ўзгартириши оқибатида юзага келади. Навларнинг уруғликларини сифатини пасайишини олдини олиш учун, шу навнинг танланган юқори сифатли уруғликларини экиш орқали эришилади. Бу жараён уруғ алмаштириш (сортообновление) дейилади [2].


Иккинчи йил оилаларни синаш кўчатзорига экилган навлар оилаларини фенологик кузатишлар натижаларига кўра, арпанинг Чимқурғон ва Камаша навларида 14-16 март ва Осиё навида 15-19 март кунларида бошоқлаш фазасига ўтганлиги қайд қилинди.

#### 4.10-жадвал

#### Арпа навларининг иккинчи йил оилаларни синаш кўчатзорига экилган ўсимликларининг фенологик кузатув натижалари.

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Униб чиқиши	Туплаш	Найчалош	Бошоқлаш
1	Воха	500	04.окт	08.дек	19-22.фев	6-9. апр
2	Султон	500	04.окт	08.дек	18-22.фев	5-8. апр
3	Камаша	500	04.окт	08.дек	19-22.фев	24-27.март
4	Чимқурғон	500	04.окт	08.дек	17-21.фев	20-23.март
5	Осиё	500	04.окт	08.дек	18-21.фев	25-28.март

Ўсимликлар миллий генбанки, уруғчилик ва уруғшунослик лабораториясида май ойида арпа навлари бўйича институтнинг Ғузор тажриба участкасида экилган биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорига ҳар бир нав устида фенологик кузатувлар олиб борилди.



**4.7-жадвал: Арпа навларининг униб чиқиш-бошоқлаш даври, кун (Қарши 2022-2023 йй.).**

Ўсимликларнинг фенофазалари ўтишида ташқи муҳит факторларини таъсири беқиёс. Униб чиқиш туплаш фазасида намлик етарли ёки меъёрдан юқори бўлиб, ҳаво ҳарорати паст бўлса шу фаза чўзилишига олиб келади. Ҳаво ҳарорати паст бўлса ўсимликларда бошоқлаш фазаси кечикади, аксинча ҳаво ҳарорати юқори бўлса тезлашади. Ўсимликларда туплаш фазасининг чўзилиши ижобий ҳолат бўлиб, бунда туплаш каэффиценти юқори бўлади, ён шохлар кўпаяди. Айниқса ўсимликларда гуллаш ва дон ҳосил бўлиш жараёнида ҳаво ҳарорати ва намлик даражасига жуда таъсирчан бўлади. Ёғингарчилик миқдори юқори бўлиб ҳаво ҳарорати паст бўлса гуллаш фазасини чўзилишига олиб келади ва натижада бошоқларда чангланиш тўлиқ амалга ошмай қолади, донлар сони ёки маҳсулдорлик пасаяди [3].

Олиб борилган фенологик кузатишлар натижасига кўра биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган навлардан пишиш фазаси арпанинг Чимқўрғон навида 18-май кунида, Қамашини навида 21 май кунида, Осиё навида 23-май ва Султон навида эса 25-май кунларида қайд қилинди. Иккинчи йил оилаларнинг синаш кўчатзорида экилган оилалар устида олиб борилган кузатишлар натижасига кўра, арпа навларининг тўлиқ пишиб етилиши юқоридагига мос равишда икки кун олдин пишиб етилганлиги қайд қилинди.

**4.11-жадвал**

**Арпа навларининг биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган ўсимликларининг фенологик кузатув натижалари.**

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Сут пишиш	Мум пишиш	Тўлиқ пишиш	Яроқсиз деб топилган оилалар сони
1	Воха	500	24.апр	11.май	24.май	4
2	Султон	500	24.апр	09.май	18.май	3
3	Қамаши	500	20.апр	07.май	21.май	6
4	Чимқўрғон	500	16.апр	05.май	25.май	6
5	Осиё	500	22.апр	09.май	23.май	5

Республикамизниг жанубий худудларида эртапишар ва ўртапишар буғдой навларини етиштириш учун мўътадил иқлим ҳисобланади. Ушбу минтақанинг иқлим шароитида эртапишар ва ўртапишар навларда донлар шаклланиши нормал кечади, кечпишар навларда эса, дон шаклланиш даврида юқори харорат таъсирида донлар пуч бўлиб қолади натижада ҳосилнинг камайиши кузатилади[4].

Ўсимликларни бошоқлаш ва мум пишиш фазаларида олиб борилган баҳолаш натижаларига кўра, арпанинг Воха навидан 4 та, Султон навидан 3 та, Қамаши навидан 6 та, Чимқурғон навидан 6 та ва Осиё навидан 5 та оилалар яроқсиз деб топилди ва дала шароитида ўриб чиқариб ташланди.

2023 йил ҳосили учун институтда яратилган ва давлат реестрига киритилган ҳамда истиқболли деб топилган кузги юмшоқ буғдой навлари, бахорги юмшоқ буғдой ва қаттиқ буғдой ҳамда арпа навлари бирламчи уруғчилик тизимини ташкил қилиш учун яқка танлаш усулида 500-1000 тадан бошоқлар танлаб олинди ва лаборатория шароитига баҳолаш учун тайёрланди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Байгулов Г.К; Питоня А.А. Оценка сортов и гибридов пшеницы на устойчивость к ржавчине. В кн.: Материалы научно – метод. совета среднеазиатского селекцентра по зерновым. Зернобобовым и кормовым культурам. Ташкент. 1978. с. 50-59.
2. Баранникова З.Д. Критический период в онтогенезе злаков по отношению к температурным условиям. – В кн. «Физиолого- генетические оснвие повышение продуктивности зерновых культур». М.: Колос, 1975. с. 102-111.
3. Бекназаров Н. Селекция интенсивных сортов мягкой пшеницы в условиях равнинно-холмистой зоны богары Узбекистана. Автореферат дисс. на соискание ученой степени к.с/х.н. Ленинград, 1983. 17 с.
4. Беранек В, Гросс С, Гомоли В. Интенсивное производство зерна. / Пер. с чеш. З.К. Благовещенской. Москва. Агропромиздит. 1985. с. 28-32.